

ОДАМЛАРНИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ТАШИШ КОИДАЛАРИ


Юк ташувчи автомобилларнинг юк ташиш булимида одамларни олиб юриш факат “С” тоифасидаги автомобилларни бошқариш ҳукукига эга булган хайдовчиларга рухсат этилган. Одамлар сони кабинадагиларни ҳам кушиб ҳисобланганда ҳам кушиб ҳисоблаганда 8тадан ортик булса, ташиш “С” ва “Д” тоифасидаги автомобилларни бошқариш ҳукукига эга булган ва шу тоифадаги автомобилларни 3 йилдан ортик бошқарган хайдовчилар томонидан амалга оширилиши керак (306-расм).

Эслатма: харбий хайдовчиларнинг юк автомобилларида одам ташиш Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Одам ташиш учун мулжалланган автомобиллар юк булинмасининг борти асосий коидаларга биноан жихозлансагина одамларни олиб юришга рухсат берилади. Факат зарурият тугилгандагина болаларни олиб юриш мумкин.

Одамларнинг сони юк автомобили кузовида жихозланган уриндиклар сонидан ошмаслиги керак (264-расм).

Автомобилни юргизишдан олдин хайдовчи йуловчиларга автомобилга чиқиш, унга жойлашиш ва




ундан тушиш тартибларини тушунтириб бериши керак.

Хавфсизлик шароити таъминланиб булганига ишонч хосил килгандагина хайдовчи автомобилни ҳаракатлан-тириши мумкин.


Одам ташишга мослаштирилмаган юк автомобилларида юкни кузатиб борувчи шахслар пастда жойлашган уриндиклар билан таъминланиши керак (265-расм, “А”).

Автобусларда ёки кажава-юкхонали транспорт воситаларида болаларни катта ёшли, битта (266-расм, “Б”),



бортли юк автомобилларида эса камида иккита шахс кузатиб бориши шарт (267-расм, "Б"). Болаларни ташиб юрадиган автомобилларнинг олд ва орка томонига "Болалар гурухини ташиш" таниклик белгиси урнатилиши зарур (266- ва 267-расмлар, "В").




Хайдовчи транспорт воситасини тула тухтатгандан кейингина одамларни тушириши ва чикариши, эшиклар ёпилгандан сунг




харакатланиши ва тула тухтамагунча уларни очмаслиги шарт.

Одамларни ташиш куйидаги холларда такикланади:


-тракторлар ва бошка узи юрар автоуловларда юк ташиладиган тиркамалар (268-расм "Г", 269-



расм “Д”), тиркама-уйча, мотоцикларнинг юкхонасида, (270-расм, “Е”);
-мотоцикларнинг конструкциясида кузда тутилган жойларидан (271-расм)
бошка жойларда;
-12 ёшга тулмаган болаларни мотоциклнинг орка уриндигига (271-расм,
“А”), шунингдек, енгил автомобилга болаларни ушлаб турувчи махсус
курулма урнатилмаган булса, олдинги уриндикка жойлаштириш таъикланади
(271-расм).



12 ёшдан кейин



12 ёшгача

